

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline


Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

30 АПРЕЛЬ — РЕФЕРЕНДУМ КУНИ



“КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС”

халқ билан баамслахат
Янгиланаётган Конституция

“Қонунга итоат этгувчи халқ унинг ижодкори ҳам бўлмоғи лозим”, деган эди бундан қарийб 3 аср аввал яшаган француз ёзувчиси Жан Жак Руссо. Агар бундан бугунги сиёсий ислохотларга менгайдиган бўлсак, янгиланаётган Конституцияда бу нечоғлик ўз аксини топапти? Халқимиз чинакамга қабул қилинаётган мамлакатнинг Бош ҳужжати ижодкори бўла олаётганими? Мазкур олий юридик ҳужжатда юрtdошларимизни ўйлантириб келаётган, том маънода қийнаётган қайси жиҳатларга кўпроқ аҳамият берилди? Газетамизнинг бугунги сониди айна шу каби саволларни Конституциявий комиссия таркибиди фаол иштирок этиб келаётган эксперт, юридик фанлари доктори Шерзод Зулфиқоровга бердик.


– Шерзод ака, янгиланаётган Бош қонимиз чинакамга халқ Конституциясига айланганини кўпчилик мутахассислар, экспертлар бот-бот таъкидлашмоқда, эътироф этишмоқда. Албатта, бунга етарлича асослар бор. Чунки аҳолидан 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушганини инобатга олсак, уларнинг аксарияти, аниқроғи 1/4 қисми қабул қилинди ва янги Конституцияга норма сифатиди киритилди. Шундай таклифлардан бири фарғоналик ҳамюртимиз Қаҳрамон Узоқов томонидан йўланган. Яъни, ҳоким бир вақтнинг ўзиди ҳам ижро, ҳам вакиллик органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслиғи. Бу янги тахрирдаги Бош ҳужжатнинг 120-моддасиди ўз аксини тоғди. Айтинғчи, мана шу норманинг киритилишига зарурат қанчалик эди?

– Янги тахрирдаги Конституциямизга қўшилиётган кўплаб нормалар, ўзгаришлар, энг аввало, халқ манфаатлари, одамларни рози қилиш учун киритилди.

деса, янгилашмаган бўлаимиз. Сиз айтгандек, ўша маҳаллий давлат ҳокимияти ва вакиллик органилари фаолиятини такомиллаштириш, уларни алоҳида-алоҳиди функцияларини белгилаш – бу аввалдан халқимизни ўйлантириб келаётган масала эди. Агар бироз ортга назар ташлайдиган бўлсак, ҳокимлик институти 1992 йилдан бошлаб бизнинг ҳуқуқ тизими ми зга кириб келди. Ўша пайтдан бери ҳоким бир вақтнинг ўзиди ҳам маҳаллий ижро ҳокимиятига, ҳам вакиллик органига раҳбарлик қилади. Демак, битта шахс ҳудудлардаги иккита бир-бирдан мустақил бўлиши керак бўлган тармоққа бошчилик қилиб келмоқда. Тўғри, балки вазият тақозоси билан ўша даврда бу керакдир. Чунки мустақилликка эришганимиздан сўнг кучли ижро ҳокимиятига таяниш масаласи долзарб эди. Лекин сўнги йилларда мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштиришга жудаям катта эътибор қаратилди. Айниқса, маҳаллий вакиллик органиларининг роли ва таъсирини ошириш масаласи кун тартибидан тушмай келаётган эди.



МАҲАЛЛАЛАР ОБОД, Кўншлилар шод



Вилоятимизда ҳам маҳаллаларни урганиш жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун 964 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларни бартараф этишга 1 трлн. 57,1 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Хусусан, Оққўрғон туманида 24 та лойиҳанинг амалга оширилиши аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш, йиллар лавомида йиғилиб, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилди. Бунинг учун 24 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Жумладан, “Зарафшон” маҳалласиди янги таъмирдан чиққан 3-сонли умумтаълим мактаби кўча юзиди жойлашганлиғи сабабли, автомобиллар қатнови ўқувчилар ҳаётига хавф туғдирарди. Урганишлар давомида аниқланган ушбу ҳолатга ҳам ечим топилди: мактабга кираверишда пидедалар йўлакчаси қурилди. Энди ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам хотиржам. Биргина ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш мақсадиди туманининг 6 та маҳалласиди лойиҳа ишлаб чиқилган. Бугунгача ишлар 100 фоиз амалга оширилиб, аҳоли хонадонларига тоза сув кириб борди.



Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори маҳаллалар тарихиди туб бурилиш ясади. Қарор доирасиди ички йўллар, мактаб, боғча каби муҳим ижтимоий объектлар ҳолатини яхшилаш ва бугунги кунда кўпчиликнинг ташвишига сабаб бўлаётган долзарб муаммолар – электр, газ ва сув таъминотини таллаб даражасиди йўлга қўйиш мақсад қилинди.



Кун тасвири

ЗАНГИОТА туманининг Эшонгузар ҳудудиди замонавий “Сув спорт саройи” фойдаланишга топширилди. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимиди Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

Санъатга ошно ёшлар

Фестиваль

Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройиди анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Тасвирий ва амалий санъат” халқаро фестивали бўлиб ўтди. Икки кун давом этган фестиваль вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан келган ижодкорлар, мусаввирлар, амалий санъат усталарини бир ерга жамлаш баробариди янгидан-янги истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг ижод намуналарини билан яқиндан танишиш имконини берди.



Ислохотлар амалда

МУАММОЛАР ҲАМКОРЛИҚДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ



Йиллар бўйи маҳаллада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш учун бир тизим яратиш заруратини даврнинг ўзи талаб қиларди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши ана шу масалаларга ечим топишда айна мудида бўлди. Бинобарин, янги лавозим эгалари одамлар орасиди бўлиб, уларнинг дард-у ташвишларини тинглаб, кўриб, қилиб, маҳалла шарт-шароитини таҳлил қилиб, зарур ёрдамни беришга масъул бўлдилар.

ҳоким ёрдамчилари бунинг асосий ташаббускорларидир

Барно Маннопованинг икки фарзанди бор. Катта қизи шифокорларнинг масъулиятсизлиғи сабаб болалиғиди ногирон бўлиб қолди. Бу аёлга жуда катта зарба бўлди. Лекин иродаси букилмади. Она бириб бир она-да, фарзандининг соғайиб кетиши учун сув келса симиришга, тош келса, кемиришга тайёр эди. Лекин қайси шифокорга бормасин, фарзандининг касаллик тарихини варақлаб, уни текширувдан ўтказган, “иложи йўқ”, дегандек афсусланиб бош чайқарди. Аммо Барно ҳеч қачон умидини узмади, боласини оқ ювиб, оқ таради, бир куни тенгдошлари сафига қўшилишига ишонч билан яшади. Афсус, унинг кўргиликлари шу билан тугамади, ҳаёт унга яна бир зарбани тайёрлаб қўйган экан, турмуш ўртоғи бевақт вафот этди. Энди уни олдинди рўзғор тебратиш, фарзандларини ёлғиз ўзи катта қилишдек синовлар кутарди. Касал қизини уйда ёлғиз ташлаб, бирор жойда кун бўйи ишлашга имконияти йўқ эди. Бола пули дорилардан ортмайди, қора қозонни эса ҳар куни қайнатиш керак. Ана шундай қийинчиликларда ўтаётган кунларининг бирида уйининг эшиғи тақиллади.

Ёшлар ишлари агентлиғи ТОШКЕНТ вилояти бошқармаси бошлиғи Мирозид Мирсолтонов ташаббуси билан барча туман-шаҳар бўлим бошлиқлари ҳамда маҳалла ёшлар етакчилари иштирокида ҳудудлардаги ҳамда миграцияда юрган ёшлар билан овозли мулоқот бўлиб ўтди. Унда ёшлар муаммоларини маҳаллаларда ҳал этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасиди суҳбатлашилди.

БЎСТОНЛИҚ туманининг Пском қишлоғиди «Уч авлод» учрашуви ташкил этилди. Тадбир доирасиди қишлоқ тарихига бағишланган «Пском шукӯҳи» номли илмий-оммабоп мақолалар тўпламидан иборат китобнинг тақдими ҳам ўтказилди.

ТОШКЕНТ туманида «Аёллар дафтари»нинг 4-тоифасига киритилган хотин-қизлар Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош» болалар оромгоҳига саёҳат қилишди. Саёҳат маданий-маърифий тадбирлар, психологик тренинглар, кўнгилочар ўйинлар, спорт мусобақаларига бой бўлди. ОЛМАЛИҚ шаҳрида режага кўра 7 та горизонтал Grundfos насоси ўрнатилмоқда. “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ томонидан ичимлик тизимларини реконструкция қилиш ҳамда сув иншоотларида электр энергия сарфини тежайдиган замонавий насослар ўрнатиш мақсадиди Дания Республикасидан 41 та сувости чўқтирма насоси, 23 та горизонтал насос харид қилинди.

Биласиз, ҳокимиятлар бўлиниш принципи бор. Бу қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Биз шу вақтгача кўпроқ марказда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмида ишладик. Ваҳоланки, куйига тушганимизда шу вақтгача кўп эътирозларга сабаб бўлган ҳолатлар жойларда маҳаллий бошқарувнинг, яъни ўзаро тийиб туриш масалаларининг тўлақонли амалга оширилмаганининг гувоҳи бўлдик. Бу бўйича жуда кўп эътирозлар билдирилди.

Конституцияда бу каби ҳолатларнинг олдини оладиган қандай аниқ нормалар киритилмоқда?
— Биринчи ўринда киритилган нормага мувофиқ ҳокимлар бир вақтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга раислик қилиш ваколати тугатилиб, унга депутатлар орасидан раҳбарлик қилиш масаласини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ниҳоятда муҳим қоида ҳисобланади. Яъни, депутатларнинг ичидан овоз бериш орқали раисликка номзод сайланади. Шунингдек, ваколатлар масаласи.

оширишга олиб келади. Учунчидан, Маҳаллий кенгаш депутатлари ўз сайловчиларини қийнаб турган муаммолар юзасидан, ижро органига "истиҳола" қилмасдан сўров билан мурожаат қилиш имконияти кенгайди. Тўртинчидан, сайловчиларнинг Кенгашлар ва депутатларга нисбатан ишончи ортади. Бешинчидан, халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

"КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС" халқ билан бамаслаҳат Янгиланаётган Конституция

Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида 2017 йил сентябрь ойида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ҳокимликларда маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботи ва ахборотини эшитиш жорий қилинди. Шу орқали маҳаллий кенгаш депутатлари ижро ҳокимияти фаолияти устидан биров бўлса-да назорат функцияси кучайишига сабаб бўлди.

Агар амалдаги қонунчиликка назар ташлайдиган бўлсак, кўп вазифа ва функциялар битта қилиб юборилган. Уларнинг қайси бири маҳаллий ижро ҳокимиятига тегишли-ю, қай бири вакиллик органига буни аниқлаш мушкул бўлган. Шу каби бўшлиқларнинг олдини олиш мақсадида ҳар иккала органнинг ваколатлари аниқ-тиниқ қилиб тегишли моддаларда келтириб ўтилмоқда. Энди олдингидек таққорланишлар ёки бир-бирини инкор этувчи нормалар мавжуд эмас. Бу ерда аниқ қилиб тартиб ва механизмлар кўрсатиб қўйилди. Бу жуда муҳим ўзгариш.

— Ҳўш, бу ўзгаришлар орқали қандай натижаларга эришамиз?
— Биринчидан, том маънода маҳаллий даражада демократиянинг муҳим талаби бўлмиш ҳокимиятлар бўлиниш принципининг амалдаги ижроси таъминланади. Иккинчидан, жойларда ижро (ҳоким) ва вакиллик (Кенгаш) органлари ўртасида, "бир-бирини тийиб туриш" механизми ишлайди. Бу эса ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини

— Маҳаллий кенгашлар ижро ҳокимиятидан буткул мустақил бўлгандими? Энди барибир "ўрганган кўнгли ўртанса қўймас" деган гап бор, эртага яна айрим ҳокимлар кўрпани ўзларига қараб тортишмай-дими? Бунга қанчалик қафолат бор?
— Аввало, "гуруч курмакис" бўлмайди. Шу пайтгача ҳам ҳокимликлар билан баъзи ҳолатларда, масалан ер ажратиш билан боғлиқ жуда кўп муаммолар келиб чиққан. Ва 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб туман-шаҳар ҳокимларининг ер ажратиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиши тўхтатилди. Мазкур саволга жавоб беришда бир нарсани айта оламан. Тўғри, кенгашларга катта вазифа ва ваколатлар берилди. Эндиликда сиз айтгандек, маҳаллий ижро ҳокимияти "кўрпани ўзларига тортиб", "мен энди кенгаш раҳбарлик қилмаяман, мен энди фақат ижро билан шуғулланишим керак", деган тушунча билан эмас, балки бу ерда иккала тизим ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Шундангина кўзланган натижага эришиш мумкин.

— Раҳмат сизга, Шерзод ака. Халқимизда "Кенгашли тўй тарқамас", деган ғоят ибратли нақл бор. Қабул қилинаётган янги таҳрирдаги Конституция ҳам халқимиз билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда кенгашиб қилинаётгани келгусида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳар бир нуқтасида ўз самарасини беришига ишонамиз. Эрали НОРБЕКОВ суҳбатлашди

— Албатта, ижро ҳокими раҳбари бир пайтнинг ўзида вакиллик органига раҳбарлик қилиб турса, ўзига-ўзи ҳисобдор бўлса, ўзига ўзи баҳо берса, бу мантиқан ҳам тўғри келмайдиган ҳолат. Бунинг салбий оқибатлари ҳам талайгина. Масалан, баъзи ҳокимлар буни суиистеъмол қилиб, "ўзим хон, кўланкам майдон" қабилида иш қўраётганини, турли бошбошдоқликларга йўл қўйилаётганини ўзимиз эшитяпмиз, кўряпмиз, кузаяпмиз. Айтингчи, Янгиланаётган (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

қилиб тегишли моддаларда келтириб ўтилмоқда. Энди олдингидек таққорланишлар ёки бир-бирини инкор этувчи нормалар мавжуд эмас. Бу ерда аниқ қилиб тартиб ва механизмлар кўрсатиб қўйилди. Бу жуда муҳим ўзгариш.

қилиб тегишли моддаларда келтириб ўтилмоқда. Энди олдингидек таққорланишлар ёки бир-бирини инкор этувчи нормалар мавжуд эмас. Бу ерда аниқ қилиб тартиб ва механизмлар кўрсатиб қўйилди. Бу жуда муҳим ўзгариш.



МАҲАЛЛАЛАР ОБОД, кўнглилар шод

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)
— Авваллари ҳам ичимлик суви-миз бўлган, — дейди "Қўрғонча" маҳалласилик Дилноза Юсуфалиева. — Лекин, сўнгги йилларда сув тез-тез ўчидиган, занг аралаш келаётган бўлиб қолганди. Мана, энди янги сув қувурлари тортилди. Жуда хурсанд бўлдик. Қазини ишлари бошланганда "Оббо, энди шу аҳволда қанча тураркин", деб

ташвишланган эдик. Адашган эканми. Тез фурсатда битириб, ҳисоблагичларни ҳам ўрнатиб кетишди. Барчаларига катта раҳмат. — "Қўрғонча" маҳалласини сув билан таъминловчи сув минораси бундан 60 йил аввал қурилган бўлиб, яроқлилик мuddати тугаганига ҳам 10 йилдан ошганди, — дейди "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ туман бўлими раҳбари Учқун Давидов. — Янги сув минорасини қуриш учун 1 млрд. 814 млн. сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Мазкур иншоот маҳалланинг Тошкент ва Бобораҳим Машраб номли кўчалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Шунингдек, аҳолининг талабидан келиб чиқиб, "Қўштамғали" маҳалласига ҳам 10 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилди.

Туманинг С. Сегизбоев номли маҳалласи аҳолисини ҳам неча йиллардан бери носоз ички йўллardan фойдаланиб келарди. Яроқсиз ҳолга келган йўлларнинг асфальт-ланиши аҳолининг қувончига сабаб бўлди. Маҳалла нуронийларининг айтишича, 20 йилча аввал шу кўчаларни асфальтлаш учун аҳоли пул йиғиб, қўлдан келганча таъмирлаб олган, лекин йиллар давомида эскириб ўйдим-чўқур бўлиб кетган экан. Бугун эса кўчалар равонлигидан одамлар мамнун. — Дарҳақиқат, ички кўчаларининг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда эди, — дейди маҳалла раиси Жамол Жуманов. — Ҳозирда 1 км. 800 метр йўл асфальтланди. Шунингдек, қарор доирасида 43 та бетон устун ўрнатилиб, электр таъминотидаги узилтишларга барҳам берилди.

Мухтасар айтганда, туманга сафаримиз яхши таассуротларга бой бўлди. Одамлар ўзгаришлар ҳақида тўққунлиб сўзлаб беришди. Уларнинг хурсандлиги юз-кўзларидан зоҳир эди. Аслида ҳам бу каби хайрли ташаббуслар аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун амалга оширилаётганини ҳар бирлари ҳис қилишмоқда.

Туманинг С. Сегизбоев номли маҳалласи аҳолисини ҳам неча йиллардан бери носоз ички йўллardan фойдаланиб келарди. Яроқсиз ҳолга келган йўлларнинг асфальт-ланиши аҳолининг қувончига сабаб бўлди. Маҳалла нуронийларининг айтишича, 20 йилча аввал шу кўчаларни асфальтлаш учун аҳоли пул йиғиб, қўлдан келганча таъмирлаб олган, лекин йиллар давомида эскириб ўйдим-чўқур бўлиб кетган экан. Бугун эса кўчалар равонлигидан одамлар мамнун. — Дарҳақиқат, ички кўчаларининг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда эди, — дейди маҳалла раиси Жамол Жуманов. — Ҳозирда 1 км. 800 метр йўл асфальтланди. Шунингдек, қарор доирасида 43 та бетон устун ўрнатилиб, электр таъминотидаги узилтишларга барҳам берилди.

Мухтасар айтганда, туманга сафаримиз яхши таассуротларга бой бўлди. Одамлар ўзгаришлар ҳақида тўққунлиб сўзлаб беришди. Уларнинг хурсандлиги юз-кўзларидан зоҳир эди. Аслида ҳам бу каби хайрли ташаббуслар аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун амалга оширилаётганини ҳар бирлари ҳис қилишмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

Остонада турган одам ўзини маҳаллада янги тайинланган ҳоким ёрдамчисиман деб таништириб, унинг оилавий шароити билан қизиқди. Кейин ёрдам беришини айтиб, хайрлашди. "Бу одам менга қандай ёрдам бероларкин, бир-икки сўм пул тутказар кўлимга, қўл билан берганга қўш тўймайди, дейишди, бу маблағга неча кун яшаб бўлади, кейин-чи... кейин нима қиламан, яна унинг олди-га бораманми, ҳадеб ёрдам сўрай-вериш уят-ку... Бирорта ўзимга мос иш бўлсайди, ҳеч кимга оғирлигим

лалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимни ташкил этилиб, бу вазифага салоҳиятли кадрлар танлаб олингани, айтиш мумкинки, тизим фаолиятида кескин бўрилиш даврини бошлаб берди. Вилоятимизда ҳам мазкур лавозимга номзодларни саралаш масаласига жиддий эътибор қаратилгани, мавжуд 1 миң 20 та маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчиларининг ҳаракатчанлиги, аҳоли орасига дадил кириб бориб, муаммолар ечимига астойдил елка тутаятгани эътирофга лойиқ. Бу

камбағалликдан чиқариш, меҳнатга лаёқатли фуқаролар бандлигини таъминлашга қаратди. Натижада, ўтган йилда 129 фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 50 нафари эса мавсумий ва жамоат ишларига жалб қилинди.

Фазилат Сафоева шулардан бири. Турмуш ўртоғининг бир кўзи кўрмай қолгандан кейин рўзгор юкининг бир қисми унинг зиммасига тушди. Ҳоким ёрдамчиси уни жамоат ишига жалб қилиб, маҳалла идорасининг тозалигига масъул қилди.

имконияти йўқлигини ҳисобга олган Эркин ака уларни банд қилиш мақсадида касб-хунарга ўқитиш бўйича тушуниришлар олиб борди. Саёй-ҳаракатлари натижа бериб, 93 фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига эришилди, 84 нафари эса касб-хунарга ўқитилди.

Гавҳар Қодирова фарзандлари тарбияси билан шуғулланиш учун ишини ташлаб уйда ўтиришга мажбур бўлди. Эркин ака билан суҳбатдан сўнг унинг тавсияси билан уйда пардоз буюмлари дўкони очди.

— Ҳоким ёрдамчисининг тақлифи айни мuddао бўлди, — дейди Гавҳар Қодирова. — Маҳалламизда шундай дўкон йўқ эди. Маҳсулотларни

ёрдамчиси гоёси билан уйдаги бўш турган иккита хонада тадбиркорликни йўлга қўйди. Раҳматшо яқка тартибдаги тадбиркор сифатида эркаклар кийим-кечаги савдо дўкони, Фарангиз эса ўзини ўзи банд қилиб, "Норин маркази" очди. Натижада яна бир оиланинг доимий бандлиги таъминланди, маҳаллада тадбиркорлик ривожланишига эришилди.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан шу кунгача маҳаллада 19 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди ва 12 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди. Абдуносир Қурбонов яхши заргар. Лекин айрим сабабларга қўра унинг фаолияти тўхтаб қолганди. Урганишларда аниқланган бу ҳолат ҳам ҳоким ёрдамчисини бефарқ қолдирмади. "Хунармандлар уюшмаси"га тўланиши лозим бўлган аъзолик бадални субсидия орқали тўлаб берилди. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қайта фаолият бошлаган Абдуносир Қурбонов ҳоким ёрдамчисидан миннатдор.

Мақтаб директори билан келишиб спорт зал фитнес машгулотлари учун ҳозирланди. Малакали мутахассис Арофат Исманова мураббийликка жалб этилди. Бошида машгулотларга қатнаётган аёллар 14 нафар эди, кундан кун уларнинг сифати ортди бормоқда.

— Қишлоқ аёлларининг аксарияти уйим-жойим деб ўзига қарашга вақт ажратмайди, спорт билан шуғулланмайди, — дейди Арофат Исманова. — Натижада турли касалликлар, вазн ортиши келиб чиқади. Хотин-қизларни соғломлаштириш, гўзаллаштириш учун дастур ишлаб чиқдик. Ҳафтада икки марта машгулот ўтказамиз. Иш бошлаганимизга 10 ой бўлди, натижалар яхши.

Мақтабда очилган инглиз тили курси ҳам маҳалладаги имконияти чекланган оила фарзандлари учун ёрдам бўлди. Ўқувчилар катта қизиқиш билан дарс машгулотларига қатнашишмоқда.

Шу ўринда ҳоким ёрдамчисининг ўз ҳудудидаги ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш борасидаги муаммолар ечимига ҳам астойдил киришганини таъкидлаш лозим. Маҳалла аҳолисини бирлаштириб икки марта "Open budget"да ютиб, кўчаларни асфальтлашган. Бу йил ҳам ташаббусли бюджетда қатнашиб, ғолиб бўлишди. Ютуқ эвазига маҳалла идорасининг эски биноси ўрнига 3 қаватли замонавий бино қуриш режалаштирилган. У ерда кутубхона, спорт зали каби қўшимча хоналардан иборат маҳалла гузарии барпо этилади.

Бундай мисолларни кўплай келтириш мумкин. Демак, ҳоким ёрдамчиси лавозимни жорий этилгани бежиз бўлмабди. Уларнинг маҳалла ҳаётига чуқур кириб бориб, мавжуд муаммолар ечимини учун астойдил жон қуйиётгани боис вилоятимизда ижобий ўзгаришлар кўламини кенгаймоқда, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланган, истиқболли бизнес лойиҳалар ижобатини топмоқда. Энг асосийси, камбағаллик қисқармоқда. Аслида мuddао ҳам шу эмасмиди?!

Нозима РАСУЛОВА
Тўшкент ҳақиқати/
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

МУАММОЛАР ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

ҳоким ёрдамчилари бунинг асосий ташаббускорларидир

тушмасди", дея ҳар хил ҳаёлларда юрган Барнони "Аёллар дафтари"га киритиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Энди унинг қувонганини, давлатимиз, саховатли инсонларни қайта-қайта дуо қилганини кўрсангиз эди...

Ҳозир Барно опа тикув цехларидан буюртма олиб, уйда тикувчилик билан шуғулланмоқда. Топаятган даромадидан, ҳеч кимга боқимандан бўлмасдан яшаётганидан мамнун. Сабаби иши тайин, асосийси, кун бўйи ногирон фарзандининг иссиқ-совуғидан хабардор, кўнгли хотиржам.

Маҳалла тизими ваколатларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Бугунга келиб маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, ижтимоий соҳа равнақи билан боғлиқ масалалар ҳал қилинадиган асосий кучга айланди.

уларнинг ҳаётини тажрибаси, вазият-ни тўғри баҳолаб, муносиб хулоса чиқара олиши билан боғлиқ, десак янгилимаган бўламиз. Бугун ушбу вазифада фаолият юритаётган кадрларнинг асосий қисми аввал иқтисодиёт, инвестиция, тадбиркорлик соҳаларида тажриба орттиргани иш жараёнида кўл келмоқда.

Узига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариб, юқоридаги мисолда келтириб ўтганимиздек, одамлар дардига дармон бўлаётганлардан бири Тошкент тумани "Кўксарой" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Эркин Аҳмедовдир. — Зиммамизга юклатилган вазифа энгил эмас, — дейди Э. Аҳмедов. — Маҳалла ҳудуди, хусусан, оилалардаги аҳолини чуқур билмасдан туриб қўзланган натижага эришиш мушкул. Шундан келиб чиқиб, барча маҳаллалардаги хонадонлар қисқа вақт оралиғида хатловдан ўтказилди. Натижалар атрофлича таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифалар белгилаб олинди. Эркин ака дастлаб асосий эътиборни доимий иш ўрнига эга бўлмаган ва кам даромадли оилаларни

Фазилат иш бошлаган куниданоқ кучли бешликнинг яқин кўмақчисига айланди. Лекин олаётган ойлиги камлиги сабабли, бошқа ишга ҳам эҳтиёж сезарди. Шунда Эркин ака унинг қизиқишини ўрганиб, кредит олишига кўмаклашди. 30 миллион сўм имтиёзли кредитга эса 13 та қўй харид қилинди. Бир йил ичида қўйлар кўпайиб, фойдасидан новвос ҳам сотиб олди. Харақатда барака деганларидек, чорва билан рўзгорига барака кирди. Маҳалла аҳолининг ярами аёллар. Аксариятининг уйдан чиқиб ишлаш

синглим Мисрдан жўнатади, сифати аъло. Шунданми, савдо яхши. Очиғи, бошида осон бўлмади. Лекин, хат-ҳужжат ишларида ҳоким ёрдамчиси кўмаклашди. Эр-хотин Фарангиз Маҳмудова ва Раҳматшо Султонов ҳам ҳоким



Санъатга ошно ёшлар



ўтди, — дейди вилоят Бадий ижодкорлар уюшмаси раиси Фарход Назирматов. — Унда вилоятимиздаги умумтаълим, музыка ва санъат мактаби, Баркамол авлод маркази, олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўзларининг тасвирий

санъат, меъморчилик, миллий ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ижодий ишлари билан иштирок этишди. Ҳар бир ижодий иш ҳайъат аъзолари томонидан баҳолили, рағбатлантириб борилди.

Фестиваль кунлари маданият саройига туташ хибон-

да ёш рассомлар Ватанимиз, мафтункор табиат манзаралари, миллий анъана ва қадриятларимизни тасвирловчи суратлар чизишди. Қўполчилик, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа амалий санъат йўналишларида ижод қилишди. Шу ернинг ўзида устоз мусаввирлардан маҳорат сабоқлари олиб, билим ва тафаккурларини янада бойитишди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда тасвирий ва амалий санъат йўналишида голиблар аниқланиб, рамзий медаль ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Нозима РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Фестиваль доирасида иштирокчиларнинг турли йўналишлардаги устоз-шогирд анъаналари бардавомлиги, баҳор фестивалининг гузаллиги, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз, халқимизнинг руҳияти, орзу-интилишлари, миллий қадриятларимизни акс эттирувчи асарлардан иборат кўргазма ташкил этилди.

— Тадбир кўтаринки руҳда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Янги нафас

Нурафшон шаҳрида “Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда бирга югурамиз!” шиори остида “Янги нафас” оммавий югуриш марафони ўтказилди.

Соат 09:00 да старт олган марафонда 4 мингдан зиёд кўнгилчилар, жамоатчилик фаоллари қатнашди.

Марафони биринчи бўлиб етиб келган голиб ва совриндорларга Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев эсдалик совгалари топширди.



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamat SAYDAQMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxonasi:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:

Erali NORBEKOV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 22.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-431.

7 994 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

Нега шундай деймиз?


Саримсоқ, саримсоқ еганнинг тани соғ

Саримсоқ пиёзда кўпгина шифобахш моддалар бўлиб, у антибиотик вази фасини ўтайди, кишининг иштаҳасини очади, ичак-қорин фаолиятининг нормал ишлашини таъминлайди. Халқ таъбабатида саримсоқдан тайёрланган дори-дармонлар меъда-ичак, нафас олиш йўллари, ўпка, жигар, бошмия, кўкрак қафаси касалликларини, ҳатто илон, чаён чаққан кишини даволашда ишлатилади. Мазкур мақол билан саримсоқнинг киши саломатлиги учун нақадар фойдали эканлиги эслатилади.

Ихлос қилибсан — шифо топибсан

Ёки: “Ихлос – халос”, “Ихлос қилсанг, чўпдан топарсан” (чўп – ўт, гиёҳ), “Ихлос қилсанг, чўпдан ҳам даво топасан”, дейилмоқчи. Ихлос қатъий ишонч, бир нарсага бутун вужуди билан ишонишдир. Кўп асрлик тажрибага таянган халқ таъбабати беморларнинг шифокорларга ва дори-дармонларга қаттиқ ишониши, ихлос қўйишини катта аҳамиятга эга деб билган. Халқимиз ўртасида бир ривоят ҳам юради, унинг мазмунига кўра, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино бир беморда ўзига ва дори-дармонга ихлос уйғотиб, “Шуни ичсанг, соғайиб кетасан” деб, бир пиёла сув берган, бемор шундан умидланиб, “дори” (сув)ни ихлос билан ичиб, тузалиб кетган экан.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
“Ҳикматнома”



Мана гап

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоқал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан.

Махмуд аз-Замахшарий



Паркентда бўлганмисиз, кўк сомса еганмисиз?

Ибрат

Бир киши умри давомида ичкилик, қимор, гиёҳвандликка ружу қўйиб, ғайру машру яшади. Тарихдан маълумки, ҳаётини бемақсад – фақат еб-ичиш, уйин-қулги, кўнгилхушлик билан ўтказганларни ё шарафсиз улим, ёки ҳибс кутади. Бу киши умр-бод қамоққа маҳкум бўлибди.

Ортдан икки ўғли қолибди. Катта ўғил худди отаси каби яшабди. Яъни, уйин-қулги, кўнгилхушлик, ичкилик, қимор, гиёҳвандлик... Хуллас, ништириб, гуноҳ йўлида саргардон ёшлар ва уларнинг тақдирида оиласининг таъсири хусусида туркум мақолалар тайёрлаш ниятида эканини айтибди. Катта ўғил журналистнинг “Нега бундай аҳволга тушдинг?” деган саволига:

– Отамни биласиз-ку! Шундай отанинг ўғлидан яна нима кутасиз? – дея жавоб берибди.

Катта компаниянинг бош директори – иккинчи ўғилнинг қабулига ки-

Отахон хижолат бўлмасин

Емакхонада ўтиргандик. Бир одам телефонда гаплашиб бўлиб, қувончдан қийқириб сакради ва официантни чақириб: – Ҳаммага менинг номимдан қуфта кабоб тарқатин! Ун саккиз йиллик интиқликдан кейин бугун мен ота бўлдим! – деди.

Уч-тўрт кундан кейин ўша одамни 5-6 ёшли болачанинг қўлидан тутиб хиёбонда сайр қилиб юрганини кўрдим. Уни таниган заҳоти ёнига бориб, ўша кунги ишини эслатдим ва ёнидаги болага ишора қилдим. Эрак тортини, хижолат чекиб шундай деди:

– Ўша кун емакхонада менинг олдимдаги столга келиб ўтирган кекса эр-хотиннинг ўзаро сўхбаты кулгимга чалинди. Онахон чолига: “Қуфта кабоб ейлик, анчадан бери егим келиб юрганди”, деди. Отахон эса аёлидан кўзларини олиб қочиб: “Ҳозир қуфта кабоб ололмаймиз, пулимиз фақат шўрвага етади, холос”, дея секингина жавоб қилди. Шу орада мен телефонда гаплашгандай бўлиб, ҳаммага қуфта кабоб буюртма қилдим.

– Фақат ўша кекса жуфтликка олиб берсангиз бўлардику, ҳамма хўрандаларга буюртма қилишнинг нима кераги бор эди? – дея сўрадим.

Эракнинг жавобидан кўзларим ёшланди: – Фақат уларга олиб берганимда отахон аёлининг олдида хижолат бўлардида... Шунинг учун ҳаммани бирдай меҳмон қилдим. Менинг пулим кетса кетсин, бир эракнинг из-зат-нафси синмасин!

Туркчадан Умида АДIZОВА таржимаси

Ҳаёт сабоғи

отанинг оёқ изларини босавериб, охир-оқибат ўзини қамоқхонада, отасига қўшни камерада кўрибди.

Иккинчи ўғил эса мактабда аъло баҳоларга ўқибди. Университетни тамомлаб, ўз тижоратини йўлга қўйиб, компания ташкил этибди. Отаси ва акасига руҳан ўхшамаган йигит, таниқли ишбилармон, бадавлат одамга айланибди.

Бу оиланинг ён қўшниси бўлган журналист аёл бир отадан туғилган, бир уйда яшаб, бир хил муҳитда ўсиб-ўлғайган икки ўғилнинг икки хил ҳаётини ҳайратланиб, улар ҳақида мақола ёзишга аҳд қилибди. Аввал қамоқхонага бориб, катта ўғил билан учрашиш учун изн олибди. Ўзини та-